O'z DSt 3303 :2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

# ИСЛОМ ИСТЕЪМОЛ МАҲСУЛОТЛАРИ - 2 ҚИСМ. ҲАЙВОНЛАР СУЯГИДАН, ТЕРИСИДАН ВА ЖУНИДАН ФОЙДАЛАНИШ - УМУМИЙ ҚЎЛЛАНМА

(MS 2200:PART 2:2013 MOD)

**Расмий нашр**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

# ИСЛАМСКИЕ ПОТРЕБИТЕЛЬСКИЕ ТОВАРЫ - ЧАСТЬ 2: ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КОСТЕЙ, КОЖИ И ВОЛОС ЖИВОТНЫХ - ОБЩИЕ РЕКОМЕНДАЦИИ

(MS 2200:PART 2:2013 MOD)

**Издание официальное**

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги**

**Тошкент**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

# ИСЛОМ ИСТЕЪМОЛ МАҲСУЛОТЛАРИ - 2 ҚИСМ. ҲАЙВОНЛАР СУЯГИДАН, ТЕРИСИДАН ВА ЖУНИДАН ФОЙДАЛАНИШ - УМУМИЙ ҚЎЛЛАНМА

(MS 2200:PART 2:2013 MOD)

**Расмий нашр**

**Ўзбекистон стандартлаштириш,**
**метрология ва сертификатлаштириш агентлиги**

**Тошкент**

**Сўз боши**

1 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти (СМСИТИ) томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ва КИРИТИЛДИ.

2 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт” агентлиги) нинг 20.03.18 йил 08-937 -сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНДИ.

3. Ушбу стандарт MS 2200: PART 2:2013 MOD “Ислом истеъмол маҳсулотлари - 2 қисм. Ҳайвонлар суягидан, терисидан ва жунидан фойдаланиш - Умумий қўлланма” стандарти асосида ишлаб чиқилган.

4 ДАСТЛАБКИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

*Ушбу стандартни ва унинг ўзгартишларини Ўзбекистон ҳудудида амалда жорий этиш (амал қилишини бекор қилиш) ҳақидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш ҳақидаги мувофиқ ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичида чоп этилади.*

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий чоп этиш мутлақ ҳуқуқи “Ўзстандарт” агентлигига тегишли.

**Мундарижа**

1 Қўлланиш доираси .....
2 Норматив ҳужжатларга ҳаволалар.....
3 Атамалар ва таърифлар.....
4 Талаблар .....
5 Мувофиқлик.....
6 “Ҳалол” сертификати .....
7 “Ҳалол” сертификатлаштириш белгиси.....
Илова А.....
Илова В.....
Библиографик маълумотлар.....

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

# ИСЛОМ ИСТЕЪМОЛ МАҲСУЛОТЛАРИ - 2 ҚИСМ. ҲАЙВОНЛАР СУЯГИДАН, ТЕРИСИДАН ВА ЖУНИДАН ФОЙДАЛАНИШ - УМУМИЙ ҚЎЛЛАНМА

# ИСЛАМСКИЕ ПОТРЕБИТЕЛЬСКИЕ ТОВАРЫ - ЧАСТЬ 2. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КОСТЕЙ, КОЖИ И ВОЛОС ЖИВОТНЫХ - ОБЩИЕ РЕКОМЕНДАЦИИ

# ISLAMIC CONSUMER GOODS - PART 2: USAGE OF ANIMAL BONE, SKIN AND HAIR - GENERAL GUIDELINES

Жорий этиш санаси 01.04.2018
Амал қилиш муддати чекланмаган

## 1 Қўлланиш доираси

Ушбу стандарт Ислом шариати қоидаларига мувофиқ тегишли тармоқдаларда ҳайвонлар суяги, териси ва жунидан фойдаланиш учун амалий тавсияларни белгилайди.

## 2 Норматив ҳужжатларга ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалардан фойдаланилган.

O‘z DSt 3286:2018 Ҳалол озиқ – овқат маҳсулотлари бўйича умумий қўлланма.

*Изоҳ: Мазкур стандартдан фойдаланилганда, Ўзбекистон ҳудудида жорий йилнинг 1 январи ҳолатига тузилган мос келувчи стандартлар кўрсаткичи (таснифлагичи) ва жорий йилда тузилган ахборот кўрсаткичига мос келувчи ҳавола қилинган стандартларни амал қилинишини текшириш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳавола қилинган стандартлар алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, мазкур стандартдан фойдаланилганда, алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиниши керак. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, ҳавола қилинган низомлар, мазкур ҳаволага тегмайдиган қисмида қўлланилади.*

## 3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда қуйидаги атамалар ва таърифлар ишлатилган.

**3.1 Халқ истеъмоли маҳсулотлари**

Кийим-кечак, аксессуарлар ва ўйинчоқлар каби фойдаланиладиган халқ истеъмоли маҳсулотлари. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тиббиёт йўналишларида фойдаланиладиган косметик воситалар ушбу тоифага кирмайди.

**3.2 Суяк, тери ва жунлардан тайёрланган халқ истеъмоли маҳсулотлари**

Суяк, тери ва жунлардан халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тўлиқ ёки қисман фойдаланиш.

**3.3 “Ҳалол” суяк, тери ва жунлардан тайёрланган халқ истеъмоли маҳсулотлари**

O'ZSTANDART AGENTLIGI
6495 son kiran
20 03 2018 yilda

Ислом шариати қоидалари бўйича рухсат этилган халқ истеъмоли маҳсулотлари ёки уларнинг таркиби қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

a) ит, чўчқа ва уларнинг наслидан ҳамда улар аъзолари, тўқималари ва маҳсулотлари бўлмаслиги;

b) Ислом шариати қоидаларига мувофиқ нажосат билан ифлосланмаган бўлмаслиги;

c) фойдаланишда хавфсиз ва соғлиққа зарар келтирмаслиги;

d) Ислом шариати қоидаларига мувофиқ нажосат билан ифлосланган қурилмалар ва материаллардан фойдаланилган ҳолда ишлов бериш ва ишлаб чиқармаслик;

e) Ислом шариати қоидалари билан тақиқланган одам қисмлари ва улардан чиқадиган қисмларни ўз ичига олмаслиги;

f) a, b, c, d ва e бандларда кўзда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган ҳолда тайёрланиши, ишлов бериш ёки нажосат деб тан олинган бошқа ҳар қандай материаллар билан алоқадан жисмонан холи бўлишини таъминланишини.

**3.4 Ошлаш (терини)**

Ислом шариати қоидаларига мувофиқ теридан “Ҳалол” буюмлар ишлаб чиқариш мақсадида, ит ва барча йиртқич ҳайвонларнинг терисини махсус услубда тозалаш. Чўчқа териси ошлаш билан ҳам тоза бўлмайди.

**3.5 “Ҳалол”**

Ижрочисини жазога тортмаган ҳолда, Ислом шариати қоидаларига мувофиқ буюм ва ҳаракатлар.

**3.6 Ислом шариати қоидалари**

3.6.1 Инсоннинг ҳаракатларига тегишли бўлган мажбурий тарзда жавобгарлиги (мукаллаф - ўз ҳаракатларига жавоб бериш), ҳолати ёки Ал-вадъ бўйича Аллоҳнинг буйруқлари

*Изоҳ: Ал-вадъ - ҳар қандай Ислом шариати қоидаларини бажаришдаги талаблар. Мисол учун,ибодат вақтига риоя этиш.*

**3.7 Нажосат**

3.7.1 Ислом шариати қоидаларига мувофиқ нажосат:

a) ит ва чўчқа (khinzir) ҳамда унга тегишли бўлган барча маҳсулотларига, қон ва ўлимтикка ўхшаган, тақиқланган ашёлар (нарсалар) ва ҳайвонлар;

b) нажосат бўлган маҳсулотлар билан ифлосланган ашёлар (нарсалар, кийимлар);

c) нажосат бўлган маҳсулотлар билан бевосита алоқада бўлган ашёлар (нарсалар, кийимлар);

d) инсон ва ҳайвоннинг пешоб, йўлдош, маний, қон, қусуқ ҳамда йирингга ўхшаш, олд ва орқа ажратма аъзоларидан ажратиладиган ҳар қандай суюқлик ва ажратмалари;

*Изоҳ: ит, чўчқа ва уларнинг наслидан ташқари, одам ва ҳайвонларнинг сути нажосатга кирмайди.*

e) Ислом шариати қоидаларига мувофиқ сўйилмаган “Ҳалол” ҳайвонлар ва ўлимтик.

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

**3.8 Косметика ва шахсий гигиена воситалари** – инсон танасининг ташқи қисми (эпидермис қавати, соч, тирноқ, лаб ва ташқи жинсий аъзолари) ёки тишлари ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати билан алоқада бўладиган косметик воситалар ва ҳар қандай ашё (нарса) ёки препаратларни (воситаларини) ўзида мужассам этган гигиеник восита. Ушбу ашёлар функцияси, асосан покизалаш, нохуш ҳидни олдини олиш, йўқотиш, хушбўй ҳидлантириш, ташқи кўринишни ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва яхши ҳолатга келтириш ҳамда сақлашга мўлжалланган.

Инсонни даволаш ёки касалликлар профилактикаси учун мўлжалланмаган маҳсулотлар.

**3.9 "Ҳалол" косметика ва шахсий парвариш**

"Ҳалол" косметик воситалар ва шахсий гигиена воситалари ҳамда аксессуарлар, Ислом шариати қоидалари билан рухсат этилган маҳсулотлар ҳисобланади ва қуйидаги талабларни амалга оширади:

a) Инсон аъзоларидан олинган ҳар қандай ингредиентларни ўз ичига олмаслиги;

b) Ислом шариати қоидаларига мувофиқ мусулмонларга тақиқланган ҳайвонлардан олинган таркиблардан фойдаланишни ва қўшимчаларини ҳамда Ислом шариати қоидаларига зид сўйилган "Ҳалол" ҳайвонларнинг ҳар қандай таркибий қисмларини ўз ичига олмаслиги;

c) Ислом шариати қоидаларига мувофиқ ҳар қандай генетик модификатлаштирилган организмлар (ГМО)ни ўз ичига олмаслиги;

d) Ислом шариати қоидаларига мувофиқ тайёрланмаган, тозаланланмаган, ишлаб чиқарилмаган ёки нажосат билан ифлосланган ҳар қандай қурилмалардан фойланмаслик;

e) истеъмолчига зарар етказмаслиги.

**3.10 Покизалаш тартиби**

Муғаллаз-ғализ нажосат билан ифлосланган барча қисмларини табиий сув билан уч маротаба ювиш.

**3.11 Ҳайвонларнинг суяги, териси ва жуни тўғрисидаги ҳукмлар**

**3.11.1 Суяк**

Умуртқаликларнинг асосий скелетини ташкил этувчи қаттиқ, ярим қаттиқ, ғовакли, кальций бирикмали тўқима. У қаттиқ органик матрицадан ва ноорганик минерал таркибий қисмдан ташкил топган.

Суякларга шох, тишлар ва тумшуқлар киради. Шох шохсимонларни ва курак тишларни ўз ичига олади.

**3.11.2 Тери**

Тери тананинг ташқи қопламаси ва энг катта қисми ҳисобланади. Тери микробли инфекциялардан ва тўқималарни механик ҳамда бошқа жароҳатлардан сақлайди. Тери ташқи эпидермис ва тўқима қаватлардан ташкил топган.

**3.11.3 Жун**

Жун ҳайвоннинг терисида ўсадиган ва бош қисмида ёки тананинг бир қисмини ва барча жойини қамраб оладиган қоплама тўплами. Ҳайвонларда ҳар хил турдаги жунлари мавжуд, жумладан:

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

**3.11.3.1 Пат**

Қушларнинг ташқи томонидан шаклланадиган, енгил сув ўтказмайдиган қоплама тўплами.

**3.11.3.2 Жун (шерсть)/мўйна/от ёли**

**3.11.3.2.1 Жун (шерсть)**

Уй ҳайвонларидан, одатда қўй ва эчкидан олинадиган тола.

**3.11.3.2.2 Мўйна**

Кўплаб сут эмизувчиларнинг танасини қоплаб турадиган қоплама тўплами – мўйна.

**3.11.3.2.3 От ёли**

Отнинг ёлидан ёки думидан олинган жун.

**3.12 “Ҳалол” ҳайвонлар** – O‘z DSt 3286 да назарда тутилган ҳайвонлар.

**3.13 Ваколатли орган**

Ҳукумат томонидан ўрнатилган тартибда ваколат берилган ва кўзда тутилган ишларни амалга оширувчи ваколатли орган.

*Изоҳ: Республикада турли йўналишлардаги ваколатли органлар мавжуд, жумладан дин ишлари қўмитаси (идораси), сертификатлаштириш органи, соғлиқни сақлаш, ветеринария, экология ва бошқа масалалари бўйича.*

## 4 Талаблар

### 4.1 Раҳбарият мажбурияти

4.1.1 Раҳбарият ички “Ҳалол” тизимини жорий этилиши самарадорлигига жавобгар бўлган шахсни, ижро этувчи лавозимдан, мусулмон бўлган ходимлардан ёки Мусулмонлар идорасидан вакилни жалб этган ҳолда тайёрлайди.

4.1.2 Раҳбарият жавобгар бўлган шахсни “Ҳалол” принциплари ва уни қўллаш бўйича малака оширишларини таъминлашлари керак.

4.1.3 Раҳбарият “Ҳалол” назорат тизимини жорий этишда етарлича ресурсларни ажратиши керак (жумладан, мутахассислар, моддий, маънавий, молиявий ва инфраструктурали).

### 4.2 Рухсат этилган ва тақиқланган ҳайвонлар суяги, териси ва жунлари.

**4.2.1 Суяклар**

**4.2.1.1 Рухсат этилган ҳайвон суяги**

a) Ислом шариати қоидаларига мувофиқ сўйилган “Ҳалол” ҳайвонларнинг суяклари ҳалол.

b) Сув ҳайвонларидан барча балиқ турларининг суяклари ҳалол.

**4.2.1.2 Тақиқланган ҳайвон суяклари**

a) “Ҳалол” тирик ҳайвондан олинган суяк нажосат ҳисобланади ва ундан фойдаланиш тақиқланади.

b) “Ҳалол” аммо сўйилмай ўзича ўлган ҳайвонларнинг суяклари тоза ҳисобланади ва ундан фойдаланиш мумкин.

c) “Ҳалол” бўлмаган тирик ёки ўлик ҳайвонлардан олинган суяклар нажосат ҳисобланади ва ундан фойдаланиш тақиқланади.

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

**4.2.2 Тери**

**4.2.2.1 Рухсат этилган ҳайвон териси**

a) Ислом шариати қоидаларига мувофиқ сўйилган ошлаш жараёнида тозаланадиган “Ҳалол” ҳайвоннинг териси (А илова);

b) Ислом шариати қоидаларига номувофиқ сўйилган ошлаш жараёнида тозаланадиган “Ҳалол” ҳайвоннинг териси (А илова);

c) Ит, чўчқа ва уларнинг наслидан чиқадиган нарсалардан ташқари, ишлаш жараёнида тозаланадиган “Ҳалол” ҳайвоннинг териси (А илова).

4.2.2.2 Чўчқадан бошқа барча тақиқланган ҳайвонларнинг териси ошланиш билан тоза бўлади.

**4.2.3 Жун**

**4.2.3.1 Рухсат этилган ҳайвонлар жуни**

a) Ислом шариати қоидаларига мувофиқ сўйилган ҳайвонларнинг жуни;

b) “Ҳалол” тирик ҳайвонлардан олинган жун.

**4.2.3.2 Тақиқланган ҳайвонларнинг жуни**

a) “Ҳалол” бўлмаган тирик ёки ўлик ҳайвонларнинг жунлари нажосат ҳисобланади ва ундан фойдаланиш тақиқланади.

b) Ислом шариати қоидаларига номувофиқ сўйилган ўлик ҳайвонларнинг жунлари нажосат ҳисобланади ва ундан фойдаланиш тақиқланади.

**4.3 Бино**

4.3.1 Санитария ҳимоя минтақасига риоя қилган ҳолда режалаштирилган бўлиши ва ушбу стандартнинг 4.2-бандида кўрсатилган талабларга мувофиқ, бино фақатгина ҳайвонларнинг суяклари, терилари ва жунларига ишлов бериш учун фойдаланилиши керак.

4.3.2 Ифлосланиш олдини олиш учун, бино яхши ҳимояланган (изоляцияланган) ва чўчқачилик фермаларидан ҳамда уларга ишлов берувчи жойлардан ажратилган бўлиши керак.

4.3.3 Хонаки ва бошқа ҳайвонлар бинога киритилмасликлари керак.

**4.4 Қурилмалар, идишлар, машиналар ва ишлов учун ёрдамчи воситалар**

**4.4.1 Қурилмалар, идишлар ва машиналар**

Қурилмалар, идишлар ва машиналар ҳайвонларнинг суяклари, терилари ва жунларига “Ҳалол” истеъмол ва улардан тайёрланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган, ускуналар автоматлаштирилган (конструкциялаштирилган) бўлиши ҳамда Ислом шариати қоидаларига мувофиқ нажосат ҳисобланган материалларни ўз ичига олмаслиги, шу билан бирга фақатгина “Ҳалол” истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш керак.

Фойдаланилган ёки ғализ нажосати билан алоқада бўлган қурилмалар, идишлар ва машиналар Ислом шариати қоидаларига мувофиқ покизаланиши керак (В илова).

**4.4.2 Ишлов бериш воситалари**

Қурилмалар, идишлар ва машиналар ҳайвонларнинг суяклари, терилари ва жунларига “Ҳалол” истеъмол ва улардан тайёрланган маҳсулотларга ишлов бериш учун мўлжалланган, ишлов бериш воситаларини тозалаш жараёнини енгиллаштириш мақсадида автоматлаштирилган (конструкциялаштирилган)

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

бўлиши ҳамда Ислом шариати қоидаларига мувофиқ нажосат ҳисобланган воситаларни ўз ичига олмаслиги, шу билан бирга фақатгина “Ҳалол” истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш керак.

4.4.3 Ишлаб чиқариш линиясида ғализ нажосати бўлса, “Ҳалол” маҳсулотларни ишлаб чиқариш линиясига ўзгартирилса, Ислом шариати қоидаларига мувофиқ диний жиҳатдан покизаланиши керак (В илова). Ушбу жараён дин масалалари бўйича ваколатли орган томонидан назорат қилинади. Ишлаб чиқариш линияси ўзгартирилгандан сўнг, унда фақат “Ҳалол” истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши керак. Ишлаб чиқариш линияси ғализ нажосат маҳсулотларни ишлаб чиқариш линиясига ёки қайтадан “Ҳалол” ишлаб чиқариш линиясига айлантириш мумкин эмас.

**4.5 Санитария қоида ва меъёрлари талаблари**

4.5.1 Маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ташиш, қадоқлаш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормативларига риоя этиши шартлигини ўз ичига олади.

4.5.2 Ишлаб чиқарувчилар қуйидаги чораларни кўришлари керак:

a) ишлов беришдан олдин хом ашёни, қўшимча таркибий қисмларни ва қадоқлаш материалларини назоратга олишлари ва ажратишлари керак;

b) чиқиндилар ишлаб чиқариш бўлимидан 15 метр масофада жойлаштирилган махсус сиғимларда ажратилган чиқинди йиғиш майдончасида белгиланган тартибда вақтинча сақланиши керак.

c) барча кимёвий моддалар, хом ашё ва тайёр маҳсулотлар махсус алоҳида ажратилган омборхоналарда сақланиши керак;

d) пластмасса, шиша ёки машинанининг металл қисмлари чанг, хавфли газлар, кимёвий буғлар ва хавфли кимёвий моддаларга ўхшаш бегона моддалар билан ифлосланишини олдини олиш керак.

4.5.3 Истеъмол товарлари Яхши гигиена амалиёти (GHP) ва Яхши ишлаб чиқариш амалиётига (GMP) мувофиқ санитария қоидалари ва меъёрлари талабларига жавоб берадиган биноларда ишлов берилади, қадоқланади ва сақланади.

**4.6 Дастлабки ишлов**

Ҳайвонлар териси ва жунлари халқ истеъмоли товарларига айлантирилгунга қадар тозаланиши керак. Тозалаш жараёни ошлаш жараёни билан кетма-кет амалга оширилиши керак (А илова). Терига ишлов бериш блок-схемаси 1-расмда келтирилган.

Суяк ва жунлар Ислом шариати қоидаларини бузмаган ҳолда яхшилаб покизаланишдан ўтиши керак.

Тозаланмаган ва тозаланган суяклар, терилар ва жунлар бир-биридан алоҳида сақланиши керак.

**4.7 Ишлов бериш, қайта ишлаш ва сақлаш**

Ишлов бериш, қайта ишлаш ва сақлаш қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

a) Ислом шариати қоидаларига мувофиқ халқ истеъмоли маҳсулотлари “Ҳалол” бўлмаган таркибдан ёки “Ҳалол” бўлмаган ҳайвон маҳсулотларини ўз ичига олмаслиги керак;

b) халқ истеъмоли маҳсулотлари нажосатдан холи бўлиши керак;

c) халқ истеъмоли маҳсулотлари ва (ёки) унинг таркибий қисмлари хавфсизлилиги кафолатланган бўлиши ва соғлиққа зарар келтиримаслиги керак.

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

d) халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқаришда нажосат билан ифлосланмаган қурилмалар ва ускуналар билан тайёрланиши, ишлов берилиши, қайта ишланиши ва қадоқланиши керак.

e) a, b, c ва d бандларда кўзда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган ҳолда тайёрланиши, ишлов бериш ёки нажосат деб тан олинган бошқа ҳар қандай материаллар билан алоқада ҳамда жисмонан холи бўлишини таъминланишини ва Ислом шариати қоидаларидан четлашган ҳар қандай ҳаракатлардан холи бўлиши.

**4.8 Қадоқлаш ва ёрлиқлаш**

4.8.1 Суякдан ва теридан тайёрланган халқ истеъмоли маҳсулотлари қуйидаги талабларга жавоб берувчи қадоқлаш метериалларига қадоқланиши керак:

a) нажосат деб тан олинган хом ашё ва хавфсизлилиги кафолатланмаган материалларидан тайёрланмаслиги;

b) нажосат билан ифлосланган қурилмалардан фойдаланган ҳолда тайёрланмаслиги, ишлов берилмаслиги керак;

c) хавфсизлилиги кафолатланган, соғлиққа зарар келтирувчи таркибга эга бўлмаслиги;

d) a ва b бандларда кўзда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган ҳолда тайёрланиши, ишлов бериш ёки нажосат деб тан олинган бошқа ҳар қандай материаллар билан алоқада ҳамда жисмонан холи бўлишини таъминланишини ва Ислом шариати қоидаларидан четлашган ҳар қандай ҳаракатлардан холи бўлиши.




1-расм. Терини тери(чарм)га айлантириш жараёни блок-схемаси

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

4.8.2 Қадоқлаш ва ёрлиқлаш жараёнларини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этган ҳолда амалга оширилиши керак.

4.8.3 Истеъмол товарлари билан бевосита алоқада бўладиган ёрлиқланиш материаллари хавфсизлилиги таъминланган ва "Ҳалол" бўлиши керак.

4.8.4 Ҳар бир қадоқ ёрлиқланиши ҳамда ёрлиқ аниқ, тушунарли ва ўчмайдиган бўлиши керак.

4.8.5 Ислом шариати қоидаларига қарши чалғитувчи қадоқлар намунаси, белги, тимсол, логотип, нома ва расмлар бўлмаслиги керак.

**4.9 Тайёр маҳсулот**

Ҳайвонларнинг суяклари, терилари ва жунларидан ишлаб чиқарилган истеъмол маҳсулотлари ҳар қандай ҳолатда ҳам ислом эътиқодига қарши бўлиши ва Ислом шариати қоидаларига қарши мақсадларда ишлатилиши мумкин эмас.

**4.10 Ҳуқуқий талаблар**

Истеъмол маҳсулотлари бошқа жабҳаларда ҳам республика қонунчилигига, шунингдек бошқа талабларга мувофиқ бўлиши керак.

**4.11 Реклама и тараққиёт**

Реклама ва тараққиёт Ислом шариати қоидаларига қарши бўлмаслиги ва Ислом шариати қоидаларига қарши маданиятсиз белгиларни ўз ичига олмаслиги керак.

## 5 Мувофиқлик

Истеъмол маҳсулотлари ушбу стандартнинг 4-бўлим талабларига мувофиқ бўлса, барча талабларга мувофиқ ҳисобланади. Агар ваколатли орган зарур деб ҳисобласа, буни ҳужжатларни ва биноларни ёки участкаларни текшириш ўрнатилган тартибда махсус ваколатли орган рухсати билан кўриб чиқилади.

## 6 "Ҳалол" сертификат

"Ҳалол" сертификати ваколатли орган томонидан олиб борилади.

## 7 "Ҳалол" сертификатлаштириш белгиси

Ваколатли орган томонидан маъқулланган ҳар бир маҳсулот, ушбу стандартда кўрсатилган талабларига амал қилиш шарти билан, ваколатли орган томонидан "Ҳалол" сертификатлаштириш белгиси билан тамғаланиши керак. "Ҳалол" сертификатлаштириш белгисини ёрлиқлаш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

**А илова**
(мажбурий)

## Ҳайвон териларини ошлаш жараёни

А1. Чўчқадан бошқа барча ҳайвон териларини тозалаш усули, теридан барча шиллиқларни, тана (гўшт) бўлакларини ва намликни йўқотишдан иборат.

А2. Теридан барча ифлос нарсалар ва нажосат олиб ташланиши керак. Ҳайвон териси тозалаш (dibagh) жараёнидан сўнг, агарда терида қандайдир жисмоний, жунга ўхшаш нарсалар қолган бўлса ҳам тоза ҳисобланмайди. Шунинг учун барча жунлар теридан тозаланиши керак.

А3. Фойдаланилаётган моддалар, теридан шиллиқларни, тана (гўшт) бўлакларини ва намликни олиб ташлаш кучига эга бўлиши керак. Тозалашда фойдаланиладиган моддалар ўсимликлардан тайёрланган (табиий) бўлиши мумкин, яъни акация (qaraz) барги, эман пўстлоғи («afs/manjakani») ва аччиқ тошга ўхшаш (al-syabbu) кимёвий моддалар ва бошқалар.

А4. Ошлаш жараёнидан ўтган тери, нажосатни йўқотиш учун тоза сув билан ювилиши керак.

А5. Фақатгина қуёшда қуритиш, тупроққа қориш, музлатиш ва кимёвий ишлов бериш билан ошлаш жараёни тугалланмаган ҳисобланади.

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

**Илова В**
(мажбурий)

**Ислом шариати қоидаларига мувофиқ нажосат (ғализ) дан поклаш**

**В1. Умумий талаблар**

Кўринарли ва кўринмас ғализ нажосатидан тозалаш қуйидагича бўлади:

*Изоҳ:*

*Кўринарли (айний) нажосат - бу ҳиди бўлган ва яққол кўриш мумкин бўлган нажосат.*

*Кўринмас (ҳукмий) нажосат - бу жисмонан кўриш имкони бўлмаган, йўқолиб кетган ва қуриб қолган нажосат ва бошқалар.*

а) дастлаб таркибида зарарсизлантирувчи моддалар бор бўлган ювиш воситалари билан ювилади ва сўнгра уч марта ювиш керак;

b) биринчи ювиш нажосатни тозалашга қаратилади, ҳатто уни бир неча марта ювишга тўғри келса ҳам. Биринчи фойдаланилган сув оқизиб юборилиб, иккинчи ва кейинги маротаба ювишларда сув янгиланиши керак.

*Изоҳ. Бу усулни чайиш ва сепиш орқали амалга ошириш мумкин.*

**В2. Сувга талаб**

Тозалаш керак бўлган сув:

а) табиий бўлиши;

b) musta'mal (олдиндан ишлатилган) бўлмаслиги;

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

**Библиографик маълумотлар**

**Муҳим сўзлар:** “Ҳалол” маҳсулотлар, суяк, тери, жун, пат, ошлаш, Ислом шариати қоидалари, “Ҳалол” косметика ва шахсий парвариш, ҳалол шахсий гигиена, санитария, “Ҳалол” сертификати, нажосат, бино, Ал-вадъ, ғализ, khinzir, musta'mal, айний, ҳукмий, dibagh

---

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

СМСИТИ директори D.Qodirov

Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, техн.фан. номзоди А.А. Муҳитдинов

Сертификатлаштириш ИТБ мудири С. С. Саидов

Стандартлаштириш ИТБ мудири С.С. Оқилов

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

“ 27 ” феврал 2018 йил
012-9/345-сонли хат

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита

“ 19 ” 03 2018 йил

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

СМСИТИ директори D.Qodirov

Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, техн.фан. номзоди А.А. Муҳитдинов

Сертификатлаштириш ИТБ мудири С. С. Саидов

Стандартлаштириш ИТБ мудири С.С. Оқилов

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

“ 27 ” феврал 2018 йил
012-9/345-сонли хат

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита

“ 19 ” 03 2018 йил

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI